

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ МУЗАФФАР АБДУМАЛИК ЎҒЛИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Каримов Музаффар Абдумалик ўғли

Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-
иқтисодий механизмини такомиллаштириш..... 3

Каримов Музаффар Абдумалик угли

Совершенствование организационно-экономического механизма
управления на предприятиях пищевой промышленности..... 25

Karimov Muzaffar Abdumalik ugli

Improving the management of organizational and economic mechanisms at
food industry enterprises..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ МУЗАФФАР АБДУМАЛИК ЎҒЛИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Iqt1391 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Илхомжон Юлдашевич
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ханкелдиева Гузал Шеровна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулов Нодирбек Мадрахимович
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.I.60.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./ факс: 0(374) 223-88-30, e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./ факс: 0(374) 223-88-30).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Асқаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.И.Мараимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Қ.Муфтайдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи йирик корпорациялар Nestle, Pepsi, Anheuser-Busch InBev, JBS, Tyson Foods, Archer Daniels Midland, Mars, Cargill, Coca-Cola, Kraft Хауинтс бўлиб, бу корпорациялар ўсимликлардан ингредиентлар олиш, озуқавий соғлиқни сақлаш маҳсулотлари, витамин ва қўшимчалар, гўштга муқобил (гўшт ўрнини босувчи) бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўз фаолиятларининг стратегик йўналишлари сифатида белгилаб олишган. 2020 йилда ушбу корпорациялар томонидан қиймати қарийб 549 млрд. АҚШ долларидан ортиқроқ бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилди¹. Бугунги глобаллашув шароитида озиқ-овқат саноати корхоналарини ташкилий-иқтисодий бошқарув механизмини кластерли ёндашув ва рақамли технологиялар асосида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини, давлат ва саноат корхоналарининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этишнинг концептуал асосларини такомиллаштириш, озиқ-овқат саноати корхоналарини тармоқ рақобатбардошлигини ошириш стратегияларига асосланган замонавий менежмент тамойиллари асосида мукамаллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларига жаҳон мамлакатларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг рақамли технологиялар, бозор талабларига мослашувчан инновацион ёндашувларга асосланган ташкилий-иқтисодий механизмини яратиш, корхоналар фаолиятини бошқаришда кластерларни шакллантириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага имтиёзлар бериш, бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «...сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилиши»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлашда озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича бошқарув механизмининг кластерли ёндашув, рақамли технологиялар ва инновацион фаолиятни ишлаб чиқариш, инфратузилма ҳамда илмий таъминот интеграцияси асосида ривожлантириш каби йўналишларида илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада

¹ <https://www.foodengineeringmag.com/articles/99063-the-2020-top-100-food-and-beverage-companies>

² <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, кишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 18 мартдаги ПҚ-4643-сон «Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкама-сининг 2019 йил 24 июлдаги 622-сон «2019-2022 йилларда Андижон вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналар бошқарувининг назарий асослари ҳамда уларнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари хорижий мамлакатларда П.Друкер, К.Gerasimov, O.Gorb, I.Yasnolob, N.Protsiuk, K.Kutran, Э.Харгадон, Л.Водачек ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган³.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари иқтисодчи олимлари қаторига В.М.Баутин, М.А.Шаталов, С.В.Здольникова, А.А.Керашев, Р.А.Байбекова, А.А.Полухин, В.Ф.Цахилова, Г.С.Сеялова ва Н.П.Шилова⁴ ва бошқаларни киритиш мумкин.

³ Друкер Питер Ф. Задачи менеджмента в XXI веке: пер. с англ. – М. : Вильямс, 2002. 128 с.; Gerasimov K.B. The model and control mechanism in the economic system of type "organization". Actual problems of modern science. 2013. no 1. pp. 47–54.; Gorb O.A., Yasnolob I.A., Protsiuk N.Y. Organizational-economic mechanism of management of food industry enterprises competitiveness. Annals of agrarian science 14 (2016) 191-195.; Katerina Kutran. Organizational and Economic Arrangements of Economic Systems Management. Revista ESPACIOS. ISSN 0798 1015 Vol. 38 (№ 46) Year 2017. Page 41-51; Харгадон Э. Управление инновациями. Опыт ведущих компаний. –М.: ИД Вильямс, 2007. 340 с.; Водачек Л., Водачкова. Стратегия управления инновациями на предприятии. – М.: Экономика, 2004.-365 с.;

⁴ Баутин В.М., Шаталов М.А. Интеграция предприятий пищевой промышленности и сопряженных отраслей на основе кластерного подхода. Вестник ВГУИТ, №1, 2015. С 210-216.; Здольникова С.В. Организационно-экономический механизм управления инновационным потенциалом интегрированных промышленных структур. Научно-технические ведомости СПб ГПУ. Экономические науки № 4(246) 2016. с. 109-122.; Керашев А.А., Байбекова Р.А. Организационно-экономические аспекты создания и эффективного функционирования вертикально-интегрированных формирований в АПК // Вестник Адыгейского гос. ун-та, 2007. №1. С. 54 –60; Полухин А.А. Организационно-экономический механизм модернизации сельского хозяйства России/ А.А. Полухин// Аграрная Россия. –2012. –№5 с. 23-29; Цахилова В.Ф. Развитие организационно-экономического механизма хозяйствования промышленных предприятий.

Ўзбекистонда корхоналар бошқаруви ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг умумий муаммоларини ўрганиш бўйича Ш.Н.Зайнутдинов, Н.М.Расулов, А.Ш.Бекмуродов, З.А.Балташева, Ш.И. Отажонов, И.Ю.Умаров, И.Х.Бобоев, Д.Н.Саидова, О.Ш.Исмаилов, И.У. Ибрагимов, Б.А.Серсенбаев, Г.Ш.Ханкелдиева, У.Н.Садуллаев, О.Дж.Джурабаев, М.А. Машарипова⁵ ва бошқа олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар. Аммо озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар етарлича ўрганилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади. Бу мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети ва “Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар” институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20200125 «Саноат корхоналарини инновацион салоҳиятини баҳолашнинг миллий рейтинг тизимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2020-2021) амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2010. С 24.; Сеялова Г.С. Организационно-экономический механизм управления предприятиями. Монография. Оренбург. гос. ун-т. - Оренбург: ОГУ, 2006.-139 с.; Шилова Н.П. Организационно-экономические аспекты развития интегрированных агропромышленных формирований. Воронеж: Воронежский ГАУ, 2013. 244 с.

⁵ Расулов Н.М., Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион менеджмент (дарслик). –Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матба уйи”, 2020. -540 б.; Бекмуродов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства. Автореф. дисс. док. экон. наук. - Т., 1993.; Расулов Н.М. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) дисс. автореф. –Т., 2021, -81 б.; Ханкелдиева Г.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) дисс. автореф. –Т., 2018, -70 б.; Бобоев И.Х. Маҳаллийлаштириш асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегиясини шакллантириш (Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати тармоқлари мисолида): Иқт. фан. ном. дис... автореф. –Т.: ЎзРФАИИ, 2008, 22-б.; Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш: иқтисодиёт фанлари доктори дисс. автореф. (DSc). –Т.: ТДИУ, 2018., 95 б.; Балташева З.А. Қорақалпоғистон Республикасида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш. И.ф.н. илм. дар. олиш учун дисс. –Т.: 2012. –32 б.; Исмаилов О.Ш. Развитие пищевой промышленности Узбекистана на инновационной основе. // Экономика региона. 2010. №3. –С. 245-249; Умаров И.Ю. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Монография. –Андижон, 2021. –206 б.; Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. «Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги». –Т.: Ўқув қўлланмаси. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси» босмахонаси нашриёти, 2016. 12-б.; Ибрагимов И.У. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш (Наманган вилояти мисолида): иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.–Т.: 2019, 15 б.; Серсенбаев Б.А. Балиқчилик соҳаси ривожланишини маркетинг ёндашувлари асосида такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): иқт.фан. фал.док.(PhD) автореф.–Нукус: 2021, 55 б.; Джурабаев О.Дж. Асаларичилик хўжаликларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари: иқт.фан. фал.док.(PhD) автореф.–Т.: 2020, 54 б.; Садуллаев У.Н. Гўшт ва сут етиштириш соҳасини модернизациялашни рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари. иқт.фан. фал.док.(PhD) автореф.–Т.: 2020, 52 б.; Машарипова М.А. Хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.–Самарқанд: 2020, 60 б.

озик-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми мазмунини назарий жиҳатдан ўрганиш;

озик-овқат саноати корхоналарида бошқариш механизмига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

интеграциялашув жараёнида корхонанинг ташкилий-иқтисодий механизмини бошқариш жиҳатларини тадқиқ этиш;

озик-овқат саноати корхоналари бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш;

саноат корхоналари бошқарувига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлар ёрдамида таҳлил қилиш ва прогнозлаш;

озик-овқат саноати корхоналари бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини кластерли ёндашув асосида такомиллаштириш;

озик-овқат саноати корхоналари бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмида рақамли технологиялар тизимидан фойдаланиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоятидаги озиқ-овқат саноати корхоналарининг бошқарув фаолияти олинди.

Тадқиқотнинг предметини озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш жараёнларида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, статистик таҳлил, иқтисодий таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

озик-овқат саноати корхоналарида бошқаришни ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш менежмент тизимини ҳаётийлик даврини аниқлаш ва корхонани ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар ҳамда бизнес жараёнларини ифодаловчи меъзонларни идентификациялаш асосида такомиллаштирилган;

озик-овқат саноати кластерини бошқариш тизими асосида хўжалик субъектларига инновацион технологияларни жалб этиш ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларини аниқловчи рақамли технология марказини ташкил этиш таклиф этилган;

«EVRO EKFİN» масъулияти чекланган жамияти бошқарув ташкилий-иқтисодий фаолияти назоратини рақамли технологиялар асосида амалга оширилиш, жумладан унинг бозордаги улуши ортиб боришига ижобий таъсир этиши исботланган;

озик-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш, инновацион ишланмалар маркази, илмий ташкилотлар, технопарклар, венчур ташкилотлар, илмий-тадқиқот лабораториялари, санитария-эпидемиология назорати тузилмаларини вертикал интеграциялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«EVRO EKFIN» МЧЖ бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш услуги орқали самарадорлик кўрсаткичлари аниқланган;

озик-овқат саноати корхоналарида рақамли технологияларни татбиқ этиш тузилмаси ишлаб чиқилган;

«SHANRIXONSUT» МЧЖнинг соф фойдасига таъсир этувчи бошқарув, операцион ва молиявий харажат омилларининг кўп омилли регрессион модели «Eviews-9» дастуридан фойдаланиб ишлаб чиқилган;

озик-овқат маҳсулотлари назоратини такомиллаштирилган бошқарув тизими, санитария ва эпидемиология назоратини давлат-хусусий шерикчилик тизими асосида ташкил этиш таклиф этилган;

озик-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш инновацион ишланмалар маркази, илмий ташкилотлар, технопарклар, венчур ташкилотлар, илмий тадқиқот лабораториялари, санитария-эпидемиология назорати тузилмаларини вертикал интеграциялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда фойдаланилган маълумотлар ва таниқли иқтисодчи олимларнинг озик-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий – назарий қарашлари қиёсий ва танқидий таҳлил қилинганлиги, ахборот базаси миллий ва нуфузли корхоналарнинг расмий манбаларига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларига асосланганлиги ҳамда натижаларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мавжуд йўналишлардаги услубий ёндашувларни такомиллаштиришни ва улардан келгусида озик-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмига бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда таклифлар озик-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришда методик база бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса озик-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришда, саноат корхоналарининг бошқарув фаолиятини ривожлантириш механизмини ишлаб чиқишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишда, озик-овқат саноати корхоналарининг тармоқ ва соҳалар доирасида ўзига хос бошқарув стратегияларини ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги ҳамда амалий тавсиялардан олий таълим тизимида «Саноат иқтисодиёти», «Озик-овқат технологиясини бошқариш» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Озик-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

озик-овқат саноати корхоналарида бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш менежмент тизими ҳаётийлик даврини аниқлаш ва корхонани ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар ҳамда бизнес жараёнларини ифодаловчи мезонларни идентификациялаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таркибига кирувчи «SHANRIXONSUT» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 02/11-02-10/10-1795-сон маълумотномаси). Натижада корхонанинг молиявий ва ишлаб чиқариш режаларини баҳолашда йўл қўйилаётган камчиликлар аниқланган ҳамда корхонанинг маҳсулот сотиш ҳажмини 1,2 баробарга ортишига эришилган;

озик-овқат саноати кластерини бошқариш тизими асосида хўжалик субъектларига инновацион технологияларни жалб этиш ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларини аниқловчи рақамли технология марказини ташкил этиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таркибига кирувчи «SHANRIXONSUT» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 02/11-02-10/10-1795-сон маълумотномаси). Натижада корхона бошқарув самарадорлигининг 1,04 баробарга ортишига эришилган;

«EVRO EKFIN» масъулияти чекланган жамияти бошқарув ташкилий-иқтисодий фаолияти назоратини рақамли технологиялар асосида амалга оширилиш, жумладан унинг бозордаги улуши ортиб боришига ижобий таъсир этиши бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таркибига кирувчи «EVRO EKFIN» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 02/11-02-10/10-1795-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида корхонанинг бозор улуши 5,3 фоизга ортган;

озик-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни бошқариш инновацион ишланмалар маркази, илмий ташкилотлар, технопарклар, венчур ташкилотлар, илмий тадқиқот лабораториялари, санитария-эпидемиология назорати тузилмаларини вертикал интеграциялаш асосида такомиллаштирилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таркибига кирувчи «EVRO EKFIN» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 02/11-02-10/10-1795-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни корхона фаолиятига жорий этилиши натижасида соф фойда миқдори 5,7 фоиз ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда келтирилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши

мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола (6 таси маҳаллий ва 4 таси хорижий журналларда), халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида 7 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 118 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми мазмуни, унга таъсир этувчи омиллар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва интеграциялашув жараёнида корхонанинг ташкилий-иқтисодий механизмини бошқариш жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини янада ошириш, жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортаётганлигини эътиборга олган ҳолда соҳа фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йил 18 мартда «Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4643-сонли Қарор тасдиқланди. Қарорда «...қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш, унга замонавий менежмент механизмларини жорий этиш, соҳани рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни таъминлаш, халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини яратиш»⁶ каби вазифалар асосий этиб белгиланди.


Диссертацияда миллий ва хорижий иқтисодчи олимларни бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари ўрганилган, уларнинг бу борадаги ёндашувлари таҳлил этилган ҳамда муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Муаллиф озиқ-овқат саноати

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги «Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4643-сонли Қарори. Lex.uz

корхоналари бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмига “бу корхоналарни ташкилий ва иқтисодий жihatдан барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилувчи тамойиллар ва усуллар мажмуидир”, деб таъриф беради⁷.

Шунингдек, тадқиқот ишида озиқ-овқат саноати корхоналарининг ташкилий-иқтисодий механизмига таъсир этувчи омилларни ҳуқуқий-меъёрий, иқтисодий ҳамда ташкилий гуруҳларга бўлиш зарурлиги тавсия этилган. Ҳуқуқий-меъёрий омиллар гуруҳи сифатида қонунчиликда юзага келган ўзгаришлар, иқтисодий омиллар гуруҳи сифатида нарх, солиқ, молия, суғурта, кредит ва иш ҳақи кабиларнинг ўзгариши, ташкилий омиллар гуруҳи сифатида эса бошқарув тизимининг замонавий усул ва услубларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараёнлар назарда тутилади.

Корхона бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизми ташқи муҳит омиллари таъсирини эътиборга олган ҳолда акциядорлар, таъсисчилар, ижрочи менежерлар ва ходимлар бошқарувнинг асосий субъектлари сифатида корхонанинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш асосида бошқарув усуллари, услубларидан самарали фойдаланиш орқали бошқарув объектига таъсир кўрсатиши аниқланган (1-расмга қаранг).



1-расм. Корхона бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизми⁸

Корхона бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизми бир қанча гуруҳлар муносабатларини ўз ичига олган мураккаб интеграл тизимдан иборат. Унинг асосий функцияси тадбиркорлик қобилиятини рўёбга чиқариш

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган таъриф.

⁸ Муаллиф ишланмаси.

ва бошқарув бўғинларининг ўзаро таъсирини мувофиқлаштиришдан иборат. Демак, бошқарув самарадорлигини оширишда бошқарув бўғинлари ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш, инновацион усуллар асосида ишлаб чиқариш жараёнларини рақобатбардошлигига эришиш зарур.

Диссертациянинг «**Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш услуби, Андижон вилоятида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми, саноат корхоналарида соф фойда, ишлаб чиқариш ҳажми ўртача қийматининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар «Eviews-9» дастуридан фойдаланган ҳолда эконометрик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолашда менежмент тизимини ҳаётийлик даври ва корхонани ривожлантириш билан боғлиқ дастурларни баҳолаш мезонларига асосланиш зарурлиги келтирилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Корхонани бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш жараёни⁹

Менежмент тизимини ҳаётийлик даврини баҳолаш	Корхонани ривожлантириш дастурларини баҳолаш
Корхона стратегик мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича тегишли ахборотлар базаси йиғилади	Корхона рақобатбардошлигини ошириш дастури асосида молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ахборот йиғилади
Стратегик режалар ва уларни амалдаги ижроси ўзаро таққосланади	Дастурдаги молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режа ҳисобот даври кўрсаткичлари билан таққосланади
Менежмент тизимини ҳаётийлик даври ишлаб чиқилган мезонларга мувофиқ балларда ифодаланади (Q ₁)	Режалаштирилган ишларнинг ижроси ишлаб чиқилган мезонларга мувофиқ баллар асосида ифодаланади (Q ₂)
Қуйи даража	
Q ₁ 0 дан 0,55 гача	Q ₂ 0 дан 0,55 гача
Ўрта даража	
Q ₁ 0,56 дан 0,71 гача	Q ₂ 0,56 дан 0,71 гача
Юқори даража	
Q ₁ 0,71 дан 0,85 гача	Q ₂ 0,71 дан 0,85 гача
Жуда юқори даража	
Q ₁ 0,86 дан 1,00 гача	Q ₂ 0,86 дан 1,00 гача

Менежмент тизимини ҳаётийлик даврини аниқлаш ва корхонани ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар ҳамда бизнес жараёнларини ифодаловчи мезонлар тавсия этилади (2-жадвалга қаранг).

⁹ Муаллиф ишланмаси.

Менежмент тизимининг ҳаётгийлик даврини аниқлаш параметрлари¹⁰

Баҳолаш босқичлари	Баҳолаш мезонлари	Бал -лар
Тизимни ташкил этиш	Ахборотлар оқимини идентификациялаш, ресурсларни аниқлаш, бизнес жараёнини тартибга солиш ҳамда стандартлаштириш ишларини ўз ичига олади.	3
Тизимни ривожлантириш	Бизнес жараёнлари ўзгарувчан муҳит талабларига мувофиқ оптималлаштирилган регламент асосида фаолият кўрсатишини ифода этади.	5
Тизимнинг бар-қарор ишлашини таъминлаш	Бизнес жараёнидаги роль ва масъулият тақсимоти аниқ белгиланган бўлиши ҳамда амалий ифодасини топган бўлиши талаб этилади.	6
Тизим самардорлигининг пасайиши	Корхона бошқарув муҳитига мос келмаслиги сабабли тизим самардорлик кўрсаткичларининг пасайиши жараёни тугатиш ёки қайта ташкил этишни талаб этади	2
Тизимни қайта ташкил этиш	Мавжуд бизнес жараёнини қайта инжиниринг қилиш, бунда бизнес жараёнининг қоидалари корхона муҳити талабларига мувофиқ қайта ишлаб чиқиши назарда тутилади	4
Тизимни тугатиш	Бизнес жараёнига бўлган эҳтиёжни йўқотиш ёки бизнес жараёнини йўқ қилиш кузатилганда тизим тугатилади.	1

Баллар йиғиндиси корхона менежмент тизими ҳаётгийлик даври самардорлигига боғлиқлигини ифода этади. Агар менежмент тизими ҳаётгийлик даврининг биринчи босқичига тўғри келса - 3 балл, иккинчи босқичига тўғри келса – 5 балл, учинчи босқичига тўғри келса - 6 балл; тўртинчи босқичига тўғри келса – 2 балл, бешинчи босқичига тўғри келса - 4 балл, олтинчи босқичига тўғри келса – 1 балл билан белгиланади.

Ушбу мезондан фойдаланган ҳолда корхона менежмент тизимининг ҳаётгийлик даври аниқланади ҳамда у қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Q_1 = \frac{M_{xd}}{n * M_n} \quad (1)$$

Q_1 - менежмент тизимининг ҳаётгийлик даврини баҳолаш коэффиценти;
 M_{xd} – менежмент тизимининг ҳаётгийлик даврини баҳолаш натижасида аниқланган баллар йиғиндиси;

n – менежмент тизимининг ҳаётгийлик даврлари сони;

M_n - корхонада аниқланган менежмент тизимининг ҳаётгийлик даври сони.

Шундан сўнг, эксперт корхонани ривожлантириш билан боғлиқ режаларни ҳисобга олган ҳолда муҳим кўрсаткичларни баҳолаш учун танлайди. Корхоналарда режалаштирилган ишларни бажарилиши қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$R_{mmb} = \frac{R_r}{R_{rq}} * 100 \quad (2)$$

R_{mmb} - режани мақсадга мувофиқ бажариш даражаси; R_r - индикаторнинг реал қиймати; R_{rq} - индикаторнинг режалаштирилган қиймати.

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

Режаларни бажарилиш фоизи балларга айлантирилади, тўғридан-тўғри ва тескари кўрсаткичлар учун балларни ҳисоблаш ишлари амалга оширилади (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Корхонада дастурлар бўйича режани бажарилиш фоизининг баллар асосида ифодаланиши¹¹

Кўрсаткичнинг ўсиш даражаси	Баллар сони ва ҳисоблаш усули	Изоҳлар
Тўғридан-тўғри кўрсаткичлар		
50 фоиз ва ундан кам	1 балл	Агар режанинг амалдаги бажарилиши 50 % ва ундан кам бўлса, у ҳолда корхона фаолияти кониқарсиз бўлиб, фаолиятга 1 балл белгиланади.
51 фоиздан 70 фоизгача	Баллар сони формула ёрдамида ҳисобланади $0,1*(R_{mmb} - 50)$	Агар режанинг ҳақиқий бажарилиши 50 %дан ортиқ бўлса, унда кўрсаткичнинг ўсиши учун 50 %дан юқори бўлган ҳар бир фоиз учун 0,1 балл белгиланади.
70 фоиз	2 балл	Режа 70 %гача бажарилса қониқарли ҳолат бўлиб, фаолиятга 2 балл берилади.
71 фоиздан 100 фоизгача	Баллар сони формула ёрдамида ҳисобланади $0,1*(R_{mmb} - 70)+2$	Корхона мақсадли кўрсаткич 70 %дан юқори бўлганда режани бажарилиши қониқарли ҳолати (2 балл)га ошган ҳар бир фоиз учун 0,1 балл қўшилади
100 фоиз	3 балл	Корхона мақсадли қийматга етди, яъни режани тўлиқ бажарди.
101 фоиздан 119 фоизгача	Баллар сони формула ёрдамида ҳисобланади $0,1*(R_{mmb} - 100)+3$	Корхона мақсадли кўрсаткичдан ошиб кетди, 100 % ўсиш суръатидан ошгани учун ҳар бир фоизга 0,1 балл қўшилади.
120 фоиздан ортиқ	4 балл	Корхона белгиланган вазифани 120 фоиздан ортиғига бажарди. Вазият ижобий баҳоланиб, унга 4 балл берилади
Тескари кўрсаткичлар		
50 фоиз ва ундан кам	4 балл	Ўз фаолияти натижасида корхона тескари индикатор қийматини 50 % га ва ундан кўпроққа пасайтирди. Вазият ижобий баҳоланиб, унга 4 балл берилади.
51 фоиздан 70 фоизгача	Баллар сони формула ёрдамида ҳисобланади $0,1*(R_{mmb} - 70)+3$	Агар ҳисобот даврида тескари кўрсаткичнинг ўсиш суръати олдингисига нисбатан 70 % дан кам бўлса, у ҳолда кўрсаткичнинг 70 % дан пасайиши учун ҳар бир фоизга 0,1 балл белгиланади
70 фоиз	3 балл	Корхона мақсадли қийматга етди, яъни режани тўлиқ бажарди.
71 фоиздан 100 фоизгача	Баллар сони формула ёрдамида ҳисобланади $0,1*(R_{mmb} - 70)+2$	Корхонанинг мақсадли кўрсаткичи 70 %дан юқори бўлганда режа бажарилишининг қониқарли ҳолати (2 балл)га ошган ҳар бир фоиз учун 0,1 балл қўшилади
100 фоиз	2 балл	Ҳисобот давридаги корхона фаолияти кўрсаткичлари ўтган давр даражасида етди. Ушбу ҳолат корхоналарнинг барқарор ишлаётганидан далолат беради.
101 фоиздан 119 фоизгача	Баллар сони формула ёрдамида ҳисобланади $0,1*(R_{mmb} - 100)$	Ҳисобот давридаги қарама-қарши кўрсаткичнинг 100 % дан ортиқ ўсиши салбий деб ҳисобланади, шу боис ҳар бир фоиз учун 100 % ўсиш кўрсаткичидан 0,1 балл айрилади.
120 фоиздан ортиқ	1 балл	Агар ҳисобот даврида тескари кўрсаткичнинг ўсиш суръати олдингисига нисбатан 120 % дан юқори бўлса, у ҳолда корхона фаолияти кониқарсиз деб эътироф этилади ва 1 балл белгиланади

¹¹ Муаллиф ишланмаси.

Бунда ҳам баллар формула бўйича Q_2 индикаторининг қийматига айлантирилади:

$$Q_2 = \frac{R_b}{n * R_s} \quad (3)$$

Q_2 – корхона режасининг бажарилиши бўйича коэффициент;
 R_b - режа бажарилишининг баҳолашга асосланган баллар йиғиндиси;
 n - мақсад 100% бажарилганда берилган баллар сони;
 R_s - баҳоланган режалар сони.

Мақсадли кўрсаткичларни амалга оширишда мавжуд вазият мос ёзувлар ҳолати билан таққосланади.

Икки мезон бўйича баҳолаш натижасида корхона бошқариш ташкилий-иқтисодий механизмининг самарадорлик даражаси аниқланади (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал


Корхонани бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлиги кўрсаткичлари¹²

Кўрсаткичлар	Мазмуни
Паст даража (Q_1, Q_2 қиймати 0 дан 0,55 гача)	Бошқарув жараёнида корхона самарадорлик кўрсаткичи паст, мақсадли режалар бажарилмаган.
Ўртача даража (Q_1, Q_2 қиймати 0,56 дан 0,71 гача)	Бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлик кўрсаткичи ўртача даражага эга бўлган корхоналар икки тоифага бўлинади: Биринчи тоифа - барқарор бошқарув жараёнларига эга бўлган, лекин белгиланган мақсадлар бўйича режани бажармаётган корхоналар. Бундай корхоналарда бошқарув механизми самарадорлиги паст даражадан юқори даражага кўтарилиш траекториясига эга бўлиб, бошқарув жараёнида содир бўлган ўзгаришлар унинг мақсадли кўрсаткичларига эришишда маълум вақтни талаб этади. Иккинчи тоифа - бошқарув жараёни самарадорлиги паст, лекин режа кўрсаткичларига ўртача даражада эришаётган корхоналар. Бундай корхоналар ташкилий-иқтисодий механизмини бошқариш самарадорлиги пасайиш ҳолатида. Лекин самарадорлик мақсадли кўрсаткичлар бўйича бажарилмоқда, шу билан бирга корхона бошқарувида замонавий ёндашув талаб қилинади.
Юқори даража (Q_1, Q_2 қиймати 0,72 дан 0,85 гача)	Бошқарув самарадорлиги ўсиш босқичида ёки барқарор фаолият юритиш ҳолатида бўлган ва мақсадли режа кўрсаткичларини бажариб келаётган корхоналар.
Жуда юқори даража (Q_1, Q_2 қиймати 0,86 дан 1,0 гача)	Белгиланган режа кўрсаткичларини тўлиқ ёки ортиги билан бажараётган корхоналар.

Диссертацияда 2020 йил якунига кўра Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 42,4 трлн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 19 % га ўсиши кузатилганлиги таъкидланган.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми янги корхоналар ташкил этиш ҳамда модернизация қилиш ҳисобига йилдан йилга ортиб бормоқда (2-расмга қаранг).

¹² Муаллиф ишланмаси.



2-расм. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми¹³

2020 йилда саноат таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш улуши 13,9 %, 2019 йилда 13,9 %, 2018 йилда 13,3 %, 2017 йилда 19,7 %, 2016 йилда - 24,9 %, 2015 йил эса 24,0 % ни ташкил этган.

Худудлар кесимида 2020 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрига (17,8 %), Тошкент (13,7%), Самарқанд (11,6 %), Фарғона (9,1 %), Қашқадарё (7,6 %) ва Андижон (6,5 %) вилоятларига, шунингдек, энг кам кўрсаткичлар Жиззах (2,6 %), Сирдарё (3,4 %), Хоразм (3,5 %) ва Сурхондарё (3,6 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Худудлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш¹⁴

Худудлар номи	2019 йил		2020 йил	
	млрд. сўм	жамига нисбатан улуши, %	млрд. сўм	жамига нисбатан улуши, %
Қорақалпоғистон Республикаси	1331,2	3,7	2077	4,9
Андижон	1991,1	5,6	2755	6,5
Бухоро	1846,6	5,2	2713	6,4
Жиззах	689,1	1,9	1102	2,6
Қашқадарё	2315,6	6,5	3221	7,6
Навоий	1326,5	3,7	1696	4,0
Наманган	1977,4	5,5	2247	5,3
Самарқанд	3324,1	9,3	4917	11,6
Сурхондарё	852,5	2,4	1526	3,6
Сирдарё	1031,9	2,9	1441	3,4
Тошкент	5847,0	16,4	5807	13,7
Фарғона	2290,0	6,4	3857	9,1
Хоразм	1263,5	3,5	1484	3,5
Тошкент ш.	7 646,0	21,4	7545	17,8
Жами	35727,0	100,0	42388,0	100,0

Тадқиқот натижалари озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни таҳлилий ўрганган ҳолда корхоналарни халқаро рақобатда устунлигини таъминлаш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Озиқ-овқат саноати корхоналари бошқаруви самарадорлигини оширишда, бошқарув харажатлари, сотиш харажатлари, ишлаб чиқариш ҳажми, соф

¹³ www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

¹⁴ www.stat.uz – Ҷша жойда.

фойда ҳамда молиявий фаолиятни бошқариш харажатлари асосида кўп омилли эконометрик модель ишлаб чиқилган. Ушбу модель ёрдамида омилларнинг таъсирчан коэффицентлари ҳисоблаб чиқилиб, уларнинг тўғри ёки тескари корреляцион боғлиқлиги ҳамда ишончлилик даражалари қиёсий таққосланиб, омилларнинг аҳамиятлилик даражаси аниқланган.

Диссертациянинг «**Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувни ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида озиқ-овқат саноати корхоналари бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини кластерли ёндашув, рақамли технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жаҳонда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эътибор пандемия шароитида янада кучайди. Шунингдек, корхоналар томонидан бозорда юқори улушга эга бўлиш учун рақобатда устунликни таъминловчи инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Маълумки, жаҳон бозорида юқори улушга эга бўлиш, рақобатда устунликка эришиш компанияларнинг асосий миссияси ҳисобланади. Ҳар йили озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш бўйича компанияларнинг рейтинги тузилади (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

Жаҳондаги озиқ-овқат ва ичимлик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялар ўнталиги¹⁵

№	Йиллар					
	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Nestle	Nestle	Nestle	Nestle	Nestle	Cargill
2.	Pepsi	Pepsi	Pepsi	Pepsi	Pepsi	Archer Daniels Midland
3.	JBS	JBS	Anheuser-Busch InBev	Anheuser-Busch InBev	Anheuser-Busch InBev	Nestle
4.	Anheuser-Busch InBev	Coca-Cola	Coca-Cola	JBS	JBS	Sysco
5.	Coca-Cola	Anheuser-Busch InBev	JBS	Tyson Foods	Tyson Foods	JBS
6.	Archer Daniels Midland	Tyson Foods	Tyson Foods	Coca-Cola	Archer Daniels Midland	Jorj Veston
7.	Tyson Foods	Archer Daniels Midland	Archer Daniels Midland	Mars	Mars	Tyson Foods
8.	Mondelez International	Mars	Mars	Archer Daniels Midland	Cargill	Bunge
9.	Cargill	Mondelez International	Cargill	Cargill	Coca-Cola	Pepsi
